

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

## LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

## Мундарижа

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

#### **1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН  
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....8

### **ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

#### **2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО  
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....16

#### **3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ҳоджи-Акбаровна**

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ  
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ .....23

#### **4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович**

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В  
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ .....31

#### **5. БОРОТОВ Алишер Ҳомидович**

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР .....42

### **МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

#### **6. АБДУЛЛАЕВА Дилфузা**

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:  
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.....50

#### **7. ҲАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович**

ИШ БЕРУВЧИНинг ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ  
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....58

### **ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

#### **8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович**

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОГЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ  
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ .....66

#### **9. ЭШНАЗАРОВ Мехриддин Жўраевич**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....72

#### **10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи**

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙИ  
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ .....78

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ, КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

### **11. УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович**

ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ  
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ..... 88

## ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

### **12. РАХМАНОВ Шухрат Наимович**

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ  
«МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ»..... 95

### **13. ГАНИБАЕВА Шахноза**

ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА:  
НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ... 102

### **14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли**

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУН'ИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ..... 109

### **15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна**

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ  
ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҲАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ  
ТАҲЛИЛИ ..... 117

### **16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович**

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ  
КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР ..... 127

### **17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолаҳон**

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ ..... 135

### **18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna**

TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS ..... 144

### **19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович**

КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА ..... 151

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

## LAWYER HERALD

СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли

Тошкент давлат юридик университети Давлат ва хуқуқ назарияси кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

### ИСЛОМ ХУҚУҚИДА СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): СОДИКОВ А.Ш. Ислом хуқуқида сунъий интеллектга бўлган муносабат // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 109-116



1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-14>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сунъий интеллект (СИ) ва ислом хуқуқининг ўзаро мувофиқлик ва фойдаланиш мезонлари қисқача таҳлил қилинади. Сунъий интеллект (СИ) нинг ислом хуқуқидаги ахлоқий қадриятлар ва шариат нормаларига таъсирини муҳокама қилинади. Мақолада сунъий интеллект технологияларини ислом ахлоқий қадриятларига мувофиқлаштиришга оид муаммолар ва уларнинг ечими сифатида айрим таклиф ва тавсиялар таҳлил этилади. Ушбу мақоланинг мақсади бу борадаги илмий тадиқотларга туртки бериш ва сунъий интеллект ҳамда ислом хуқуқининг уйғун интеграцияси бўйича келажакдаги тадқиқотларни йўналтириш ҳисобланди.

**Калит сўзлар:** Сунъий интеллект, ислом ахлоқи, этика, принциплар, шахсий ҳаёт, адолат, шариат.

SODIKOV Akmal

Acting associate professor at Tashkent State University of Law

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

[akmalsodikov81@gmail.com](mailto:akmalsodikov81@gmail.com)

### ATTITUDE TO ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN ISLAMIC LAW

#### ANNOTATION

This descriptive scientific article shortly analyzes the intersection of artificial intelligence (AI) and Islamic morality, discussing the potential impact of AI on ethical considerations within the framework of Islamic law. It explores the opportunities and challenges that arise when integrating AI systems in line with Islamic moral values. This article aims to stimulate discussion and guide future research concerning the harmonious integration of AI and Islamic law.

**Keywords:** artificial intelligence, Islamic morality, ethics, principles, privacy, fairness, sharia.

**СОДИКОВ Акмал**

Доцент кафедры Теории государства и права Ташкентского  
государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
E-mail: [akmalsodikov81@gmail.com](mailto:akmalsodikov81@gmail.com)

## ОТНОШЕНИЕ К ИСКУССТВЕННОМУ ИНТЕЛЛЕКТУ В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ

### АННОТАЦИЯ

В этой научной статье кратко анализируется пересечение искусственного интеллекта (ИИ) и исламской морали, и обсуждается потенциальное влияние ИИ на этические соображения в рамках исламского права. В статье исследуются возможности и проблемы, возникающие при интеграции систем искусственного интеллекта в соответствии с исламскими моральными ценностями. Целью этой статьи является стимулирование дискуссий и руководство будущим исследованиям, касающимися гармоничной интеграции искусственного интеллекта и исламского права.

**Ключевые слова:** Искусственный интеллект, исламская мораль, этика, принципы, частная жизнь, справедливость, шариат.

Сўнгги йилларда сунъий интеллект (СИ) технологиялари бутун дунёда кенг фойдаланишбўйичакунданкунгаоммалашибормоқда. Унингбирқаторафзалликлариға қарамасдан, аксарият ҳуқуқ оиласлари сунъий интеллект (СИ) технологияларини тартибга солишга турлича ёндашадилар. СИ га оид ҳуқуқий масалалар Умумий ҳуқуқ ва Роман-герман ҳуқуқий оиласларида аниқ тартибга солингланлиги, турли илмий тадқиқотлар олиб борилганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо СИ нинг ахлоққа таъсири, турли ҳуқуқ манбаларининг сунъий интеллектга муносабати, тартибга солиш механизми ва бошқа шу каби масалалар долзарб аҳамият касб этиши айниқса Ислом ҳуқуқи оиласида кўп учрамоқда.

Ҳолбуки, ислом ҳуқуқи яни шариат нормалари ҳукмрон бўлган мамлакатларда СИ ва шариат қонунлари нормаларининг ўзаро таъсири масалалари тўлиқ ўрганилмаган, баъзи араб мамлакатларида ҳатто СИ технологиялари тақиқланганлигига гувоҳ бўлиш ҳам мумкин. Зеро, ислом ҳуқуқи нафақат кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, балки шахсларнинг ахлоқини ҳам диний нормаларга мувофиқлаштиришни талаб этади. Шу нуқтайи назардан, СИ технологиялари ҳамда ислом ҳуқуқи билан бир қаторда ислом ижтимоий ахлоқига таъсиринини ўрганиш ҳамда унга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, турли халқаро илмий-техник базаларга мурожаат этадиган бўлсак, ислом ахлоқи ва СИ нинг ўзаро таъсири масалаларига бағишлиланган илмий тадқиқотлар жуда ҳам кам сонли эканлигини кўриш мумкин. Мисол учун, бундай тадқиқотчиларни [jstor.org](https://jstor.org) маълумотлар базасида топиб бўлмайди. СИ муаммоси бошқа мамлакатларда энг оммабоп тадқиқот мавзуларидан бирига айланган бир пайтда, сунъий интеллектнинг ривожланиши замонавий либерализм ва ислом ҳуқуқи ўртасидаги муносабатлар ҳақида узоқ давом этган мунозараларни жонлантириди [11].

А.З.Али таъкидлаганидек, СИ информатика, фалсафа ва психологиянинг бирикмасидир. СИ-бутурлимашиналардан тортибэксперттизимлари ("ekspertsystems") гача бўлган турли соҳалардан иборат кенг мавзу ҳисобланади. СИ технологияларининг умумий элементи бу "Фикрлай оладиган" машиналарни яратишидир. Машиналарни "Фикрлаш" имкониятларини баҳолашда уларнинг қай даражада "ақлли" эканлигинин аниқлаш лозим. Бунда технологияларнинг "ақл-идроклиник" даражаси, масалан, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ёки умумлаштириш ёки тегишли масалага муносабат билдириш имконияти баҳоланади. Ва идрок ва тушуниш ҳақида нима дейиш мумкин? Таълим, тил ва ҳиссий идрок этиш соҳалари бўйича тадқиқотлар олимларга "ақлли"

машиналарни яратишда ёрдам берди. [1, Б.74].

Умуман олганда, СИ нинг қисқача тавсифи берилгандан сўнг, СИнинг ислом ҳуқуқига таъсири ва уларнинг ўзаро интеграцияси натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий масалаларни қўйида таҳлил қилиш мумкин:

Биринчидан, ислом ҳуқуқи СИни рад этмайди. Зеро, шариат илм-фан ривожига қарши эмас. Бироқ, мусулмонлар СИ салоҳиятини эътироф этган ҳолда, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, раҳм-шафқат ва маънавий ривожланишга интилиш қийматини таъкидлайдилар. Улар СИга ҳаддан ташқари қарам бўлишдан огоҳлантирадилар, бу ахлоқ ва инсоний қадриятларни эътиборсиз қолдириши мумкин. Бундан ташқари, СИ томонидан тайёрланган плағиат ёки турли (илмий, техник, ижодий ва ҳ.к.) асарлар воситасида “академик ҳалоллик” талабларини бузган ҳолдатурли мукофотларни қўлга киритиш ёки таълим муассасаларида баҳо олиш ислом одоб-ахлоқига зид ҳисобланади. Бунда жамиятнинг бошқа аъзоларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилмаслик, диний-ахлоқий таълимотларга зид иш тутиш, жамият аъзоларини “фирибгарликка” ўргатиш каби ахлоқий масалалар биринчи ва асосий муаммо сифатида қаралади. Бошқа ҳуқуқ оиласарда ахлоқий қадриятларга шариат нормалариdek “аралашиб” кузатилмаслиги сабабли, СИ билан боғлиқ турли хил ҳуқуқий муаммолар [12] ва суд низолари [4] фақат плағиат масаласида кузатилади.

Ваҳоланки, СИ нинг жамият аъзоларининг ахлоқига таъсири масаласи шариат қонунлари каби бошқа ҳуқуқ оиласар учун улкан ташвиш туғдирмайди.

Иккинчидан, муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ масалалар [4] бошқа ҳуқуқий оиласар каби ислом ҳуқуқида ҳам энг муҳим масалалардан биридир. Шариат қоидаларига кўра, ҳар бир муаллиф бошқа одамлар томонидан муаллифлик ҳуқуқи бузилиши оқибатида “жабрланувчи” бўлишни қоралайди ва тегишли маънавий ҳамда моддий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бироқ, СИ технологиялари баъзан муаллифларнинг ишларидан уларнинг розилигисиз фойдаланади.

Учинчидан, СИ технологияларида шахсий ҳаётнинг маҳфийлиги масаласи ҳам нозик жиҳат ҳисобланади. Шариат қонунчилигида шахсий даҳлсизлик ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланади. Инсон, шаъни, қадр-қиммати, шахсий сирлари ислом динида ҳимояланган асосий масалалардан биридир.

Юқорида тилга олинган барча асосий масалалар ислом ҳуқуқи учун умумий бўлса-да, турли шариат қоидаларига асосланган мамлакатларнинг уларга нисбатан муносабати ҳар хил. Шу ўринда юқорида қайд этилган масалаларни тартибига солишда ислом ҳуқуқининг қўйидаги асосий қоидалари қўлланилади:

Биринчидан, ахлоқ ва ислом ҳуқуқи ўртасидаги узвий боғлиқлик. Ислом қонунлари СИ билан инсоний муносабатларда шариат ахлоқига қатъий риоя қилиш жоизлигини таъкидлайди. Айрим мамлакатларда СИдан ноаҳлоқий фойдаланиш маъмурий важиноий жавобгарликни келтириб чиқаради, айрим ҳолатларда эса жазолар қўлланилмайди. Бироқ, энг муҳими, шариат нормалари амал қилувчи деярли барча мамлакатларида СИ дан фойдаланиш, биринчи навбатда, жамиятнинг бошқа аъзоларига зарар етказмаслик, ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибига тажовуз қилмаслик каби талаблар қўйилади. Энг муҳими, СИ ислом шариатида интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш воситаси сифатида қаралади.

Иккинчидан, муаллифлик ҳуқуқи ислом ҳуқуқида ҳам ҳимоялананади. Муаллифлик ҳуқуқи бошқалар томонидан ижодкорнинг мулкига ҳурмат кўрсатишга ёрдам беради. Ҳар бир шахснинг интеллектуал қобилиятини ифодаловчи ижодкорлик (ғоялар, китоблар, дастурлар, дизайнлар, мусиқа ва бошқалар) мулк сифатида тан олинади. У муҳим меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳимоя қилиш ва инсоннинг интеллектуал фаолиятидан фойдаланиш, шунингдек, ушбу соҳада ахлоқий ва ҳуқуқий маслаҳатларни ҳал қилишнинг самарали усувларини тақдим этади.

Айрим давлатлар бу каби масалаларни юқори даражага кўтариб, СИ технологияларини тақиқлаган бўлса, бошқалари СИ ни ривожлантириш марказларини яратиб, уларни қўллаб-қувватлаш учун катта молиявий манбаларни йўналтиришмоқда.

OpenAI маълумотлари асосида тайёрланган қуидаги жадвалда Chat GPT мисолида Араб давлатлари Лигасидаги ҳолатни кўришингиз мумкин:

**1-жадвал**

№	Давлатлар	Кўллаб-кувватланади	Тақиқланади
1.	Миср	+	
2.	Судан		+
3.	Жазоир	+	
4.	Ирек	+	
5.	Марокаш	+	
6.	Саудия Арабистони	+	
7.	Яман		+
8.	Сурдия		+
9.	Сомали	+	
10.	Тунис	+	
11.	Йордания	+	
12.	БАА	+	
13.	Ливия		+
14.	Фаластин	+	
15.	Ливан	+	
16.	Мавритания	+	
17.	Уммон султонлиги	+	
18.	Қувайт	+	
19.	Қатар	+	
20.	Бахрайн	+	
21.	Жибути	+	
22.	Комор ороллари	+	

Юқоридаги рўйхатдан кўриниб турибдики, СИ (Chat GPT мисолида) Араб давлатлари Лигасининг 4 та давлатидан (Судан, Яман, Сурдия, Ливия) ташқари барча 18 та давлатда қўлланилади. Бундан ташқари, СИ нинг кўплаб янги турларини БАА, Саудия Арабистони ва Мисрдан топиш мумкин. Ҳатто давлат бошқаруви органларида СИ ни қўллаш бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган.

Бундан ташқари, шариат қоидалари қўлланилган Афғонистон ва Эрон [15] мамлакатларида СИ дан фойдаланиш тақиқланган. Масалан, ушбу мамлакатларда Chat GPT тақиқланганлигини кузатишингиз мумкин.

Араб давлатлари Лигаси мамлакатлари СИ ни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда ва бир қанча марказлар ҳам ташкил этилган. Араб давлатлари Лигаси мамлакатларида сунъий интеллектни ривожлантиришга ёрдам беришда қуидаги марказлар алоҳида аҳамиятга эга:

1. Дубай СИ маркази ноёб Силикон водийси: Бу сунъий интеллектни ривожлантиришнинг маъмурий маркази. Ушбу марказ СИ учун инновацион ечимларни ўрганиш, ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб боради. Марказ академик тадқиқотлар ўтказиш ва сунъий интеллектни ривожлантиришга қаратилган стартап лойиҳаларни қўллаб-кувватлашни ўз ичига олади.

2. Ар-Риёд СИ маркази: Саудия Арабистонининг жойлашган бўлиб, ирригация ва сув ресурсларини бошқариш соҳасида СИ ни қўллаш ва дастурлашни осонлаштиришга қаратилган лойиҳалар устида иш олиб боради.

3. Қоҳира СИ маркази: Мисрда жойлашган бўлиб, СИ соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, таълим ва бошқа турли лойиҳаларни амалиётга жорий этиш билан шуғулланади.

Бироқ, Араб давлатлари Лигасининг бошқа 18 давлатида бундай СИ марказларининг ташкил этилиши ҳақида маълумот учрамайди. Бундан холоса қилиш мумкинки, Ислом таълимоти энг қатъий ҳисобланган Саудия Арабистонида СИ ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, Мисрда ислом таълимотларини ўргатувчи энг машҳур таълим муассасалари жойлашган СИ марказларининг

мавжудлигидан сунъий интеллект ва ислом этикаси ўртасида қатъий қарама-қаршилик йўқлигини тушуниш қийин эмас.

Бундан ташқари, юқорида тилга олинган учта асосий давлат (БАА, Саудия Арабистони, Миср) турли халқаро конференциялар ва давра суҳбатлари асосида СИ технологияларини такомиллаштириш учун бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланади. Хусусан, 2021 йил 2 декабрда Миср Алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги томонидан Араб давлатлари лигаси билан ҳамкорлиқда ЮНЕСКОнинг Минтақавий рақамли инклузивлик ҳафталиги [10] доирасида ташкил этилган давра суҳбатида араб давлатлари учун умумий СИ стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи таклиф этилди [16].

Шу ўринда, аҳолисининг 90 фоиздан ортиғи мусулмонлар бўлган Ўзбекистонга эътибор қаратадиган бўлсак: Мамлакатимизда СИ ни тартибга соловчи маҳсус қонун мавжуд бўлмаса-да, соҳа турли норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ тартибга солинган. Хусусан, қуйидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар бунга яққол далил бўла олади.

## 2-жадвал

№	Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг номи	Санаси ва бошқа реквизитлари
1.	“Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4996-сон қарори (17.02.2021)
2.	“Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича маҳсус режимни жорий қилиш чоратадбирлари тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5234-сон қарори (26.08.2021)
3.	“Сунъий интеллект технологияларини қўллаб-қувватлаш учун маҳсус режим ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 717-сон қарори (29.11.2021)

Юқорида қайд этилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар СИ ни тартибга солиш масалаларига бағишлиган бўлса-да, СИ технологияларини яратиш ва жорий этиш, СИ ни ривожлантириш марказларини ташкил этиш масалалари эътибордан четда қолган.

Шу ўринда, СИ дан фойдаланиш борасида ислом ҳуқуқининг асосий манбаси бўлган Куръони Каримга мурожаат қиласиган бўлсак, муқаддас китобда илм-фан ютуқларидан фойдаланиш ҳақида кўплаб оятларни учратиш мумкин.

Ясмансяҳ, Лайнаҳ, Зулфани Сесмиарнийларнинг маълумотларига кўра, Куръоннинг 750 га яқин оятлари борки, унда коинот ва унданаги ҳодисалар ҳақида сўз юритилади ва инсонларни уни билишга ва ундан фойдаланишга буюради [17, Б.467].

Масалан: “ар-Раҳмон” сурасининг 33-оятида “Эй жинлар ва инсонлар жамоаси! Агар сизлар (Унинг жазосидан қочиб) осмонлар ва ер ҳудудларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангиз, ўтибкетаверинглар! Куч-қудратсиз (улардан) сира ўтиб кета олмагайсиз!” [14, Б.532].

Н.Ҳикматнинг таъкидлашича, “Ар-Раҳмон” сурасидан келиб чиқиб, тараққиёт учун илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш зарур [6. 7-бет].

Ясмансяҳ, Лайнаҳ, Зулфани Сесмиарларнинг таъкидлашича, “Нима учун инсоният илм-фан ва технология ютуқларини қўллашда илоҳий кўрсатмаларга амал қилишлари керак? Чунки, инсон ақли ўзида ҳам дунёвийҳам диний илмни ўзида мужассамлаштира олиши лозим” [17, Б.473].

Моҳд Саифуддин шундай қайд этади: “ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ тушунчалар Исломга begona эмас. Кўриниб турибдики, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қимматли маълумотларни қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш,

таҳлил қилиш ва етказиши осонлаштиш мумкин [13, Б.65].

Иса Онуве Жимоҳ таъкидлашича: “Куръон илм-фан ва технологияга мурожаат қилганини тан олишимиз керак. Бу фанлар ... инсоният учун зарур бўлган барча нарсаларни тушуниш даражасидан келиб чиқиб, қўриб чиқилиши керак” [9, Б.426].

Бир қанча ҳуқуқшунос олимлар СИ ва ислом ҳуқуқи бўйича тадқиқотлар олиб боришиб, қуйидаги олимларнинг асарлари сунъий интеллект ва ислом ҳуқуқи билан боғлиқ:

1. Ислом ва биотиббий этика профессори, доктор Моҳаммед Гҳали Қатар Исломшунослик олийгоҳида (Ҳамад бин Халифа Университети) СИ ва ислом ҳуқуқи бўйича тадқиқотлари билан машҳур. Унинг асарлари СИ ва Исломнинг муҳим таълимотларини фарқлаш ва мувофиқлаштиришга қаратилган [7].

2. Доктор Акиф Айдин Османнисе Коркут Ата Университети юридик факултети профессори, СИ ва ислом ҳуқуқи бўйича тадқиқот ишлари билан танилган (Турция).

3. Доктор Набил Султон Машриқ Ислом Университетида профессори, СИ ва ислом ҳуқуқи бўйича мураккаб таҳлиллар асосидатадқиқотлар олиб борган. Унинг иши СИ ва ислом ҳуқуқининг алоҳида истиқболларини ўз ичига олади ва адолат, ишонч, ахлоқ ва интеллектуал мулк масалаларини қамраб олади (Уммон Султонлиги).

4. Доктор Усмон Каратепе – Дузсе Университети профессори (Турция). У СИ ва ислом ҳуқуқи муаммоларини тадқиқ қилиш ва мувофиқлаштиришга оид илмий ишлар муваллифи. Унинг СИ ва ислом ҳуқуқига оид асарлари алоҳида нуқтаи назарни тақдим этишга ва Ислом ҳуқуқидаги ахлоқнинг аҳамиятини таъкидлашга қаратилган.

Бу олимлар фақат бир нечта мисоллар бўлиб, бу соҳадаги бошқа кўплаб машҳур олимларнинг ишларни келтириб ўтиш мумкин.

Ислом ҳуқуқи ва СИ нинг ўзаро таъсири билан боғлиқ кўплаб лойиҳалар ва грантлар ҳам амалга оширилмоқда. Ҳусусан, 2020йилда Facebook “Оссиё-Тинч океани минтақасидаги сунъий интеллект тадқиқоти ташаббуси” лойиҳаси учун маблағ ажратган [3]. Аммо, agar ушбу лойиҳа ғолиблари [2] рўйхатига эътибор қаратадиган бўлсак, улар орасида СИ ва шариат нормалари ўртасидаги таъсир тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилмаганини кузатиш мумкин.

Бундай лойиҳалар ва бошқа шунга ўхшаштанловлар мисолида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳусусан, Этика институтини [8] кўллаб-қувватлаш ва бошқа ташаббуслар Ҳиндистон ва Лотин Америкаси каби бошқа мамлакатлар ва минтақаларда Facebook томонидан кўллаб-қувватланади. Бироқ унда ҳам шариат нормалари билан алоқадолик масалалари эътиборга олинмаган.

Шу ўринда, А.З.Али фикрига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кундаги исломшунослик анъанавий манбаларга мурожаат қилишда нафақат саҳиҳ ёки анъанавий ёндашув, балки таълим-тарбия жараёнларидағи замонавий омилларга ҳам тўхталиб ўтиш учун янги назарий асос яратишни талаб қилмоқда [1, Б.78].

Юқоридаги барча фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, қуйидаги хуносаларни ишлаб чиқиш мумкин:

Ислом ҳуқуқи мусулмонлар ҳаётининг турли жабҳаларини, жумладан, СИ каби технологик ютуқларни бошқарадиган ахлоқий ва ҳуқуқий асосларни тартибга солади. Ислом ҳуқуқшунослигига СИ нитартибга солишга бағишинланган маҳсус қонун ҳужжатлари мавжуд бўлмаса-да, СИ технологияси оқибатидаюзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва салбий оқибатларни ҳал қилиш учун исломдаги ҳуқуқий принциплар ва ахлоқий мулоҳазалар кўлланилиши мумкин.

Ислом ҳуқуқиадолат, инсонқадр-қимматиниҳимоя қилиш каби ахлоқий тамойилларга урғу беради. Ушбу тамойиллар СИ тизимларини яратиш ва улардан фойдаланишни бошқариш учун қўлланилиши мумкин. Исломшунос олимлари ва ҳуқуқшунослари ушбу тамойилларга риоя қилишни таъминлаш учун кўпинча СИ технологияларининг ахлоқий оқибатларини баҳолайдилар.

Ислом ҳуқуқи исломий қадриятлар ва ақидаларга амал қилишни талаб қилади. СИ технологиялари ислом таълимотига кўратақиқланган ёки ахлоқий бўлмаган мақсадларда

фойдаланилмаслигини таъминлаш учун ушбу қадриятларга мос келиши керак. Масалан, СИ иловалари қимор ўйинлари, қизиқишлигарга асосланган транзакциялар ёки заарли контентни тарғиб қилиш каби фаолиятни тарғиб қилиш ёки ёрдам беришдан қочиши керак.

Ислом ҳуқуқи шахсий дахлсизлик муҳим аҳамиятга эга эканлгини тан олади ва ҳуқуққа зид равищда шахсий ёзишмаларни кузатишни қоралайди. СИ технологиялари шахсий маълумотларнинг ҳимояланганлигини ва нотўғри ишлатилмаслигини таъминлаб, махфийлик ҳуқуқларини ҳурмат қилиш учун ишлаб чиқилиши керак. Ислом ҳуқуқий тамойиллари махфийликни ҳимоя қилувчи ва шахсий маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олувчи СИ тизимларини ишлаб чиқиша раҳбарий йўналишларни таклиф этиши мумкин.

Ислом ҳуқуқи қарор қабул қилиш жараёнларида жавобгарликнинг муҳимлигини таъкидлайди. СИ тизимлари шаффоф, очиқ бўлиши ва инсон жавобгарлигини назардан четда қолдирмаслигилозим. СИ технологиялари ўз ҳаракатлари ва қарорлари учун жавобгар бўлишини таъминлашучун Ислом ҳуқуқий тамойиллари қўлланилиши мумкин. Бунда СИ нинг яратувчилари ҳамда хизмат қўрсатиш операторларини жавобгарлигини келтириб чиқаришни илгари суради.

Ислом ҳуқуқи ўзига ёки бошқаларга зарар етказишни тақиқлайди. СИ технологиялари нохолис қарорлар қабул қилиш, камситиш ёки зарар келтирувчи ҳаракатлардан қочиш орқали ушбу тамойилга амал қилишни тақозо этади. Исломий ҳуқуқий тамойиллар СИ технологияларидан келиб чиқадиган ҳар қандай потенциал зарарни бартараф этиш ва зарар кўрган томонларни ҳимоя қилиш учун қўлланилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, Ислом ҳуқуқи СИ ни тартибга солиш учун қўллаш мусулмонлар кўп бўлган мамлакатлар ва ислом олимлари жамоаларида давом этаётган мунозараadir. Ҳар бир мамлакатда кенгроқ ҳуқуқий ва тартибга солувчи ландшафтни ҳисобга олган ҳолда, СИ технологияларини ижтимоий ахлоқ талабларини ривожлантириш ва жорий этишда исломий қадриятларни ўз ичига олган йўриқнома ва асосларни ишлаб чиқиш бўйича ҳаракатлар олиб боришни талаб этади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. ALI A.Z. A philosophical approach to artificial intelligence and Islamic values // IIUM Engineering Journal, Vol. 12, No. 6, 2011: Special Issue in Science and Ethics – pp. 73-78.
2. Award Recipients // URL: <https://research.facebook.com/research-awards/ethics-in-ai-research-initiative-for-the-asia-pacific-request-for-proposals/#award-recipients>.
3. Facebook announces award recipients of the Ethics in AI Research Initiative for the Asia Pacific // URL: <https://research.facebook.com/blog/2020/06/facebook-announces-award-recipients-of-the-ethics-in-ai-research-initiative-for-the-asia-pacific/>.
4. Generative AI Has an Intellectual Property Problem // URL: <https://hbr.org/2023/04/generative-ai-has-an-intellectual-property-problem>.
5. GitHub faces lawsuit over Copilot AI coding assistant // URL: <https://www.infoworld.com/article/3679748/github-faces-lawsuit-over-copilot-coding-tool.html>.
6. Hikmah, N. Digitalization of Islamic Law to Optimize the Existence of Islam in Millennial Generation. Al-Islam: Journal of Religion and Civilization, 1(1). (2022). – pp.6-10.
7. URL: <https://www.hbku.edu.qa/en/cis/staff/mohammed-ghaly>.
8. URL: <https://www.ieai.sot.tum.de/>.
9. Isah Onuweh Jimoh Qur'an Addresses Science and Technology // International Journal of Research and Innovation in Social Science (IJRISS) |Volume III, Issue VIII, August 2019. – pp. 415-426.
10. ITU-UNESCO Regional Digital Inclusion Week: "Ensuring equity and inclusivity in all that we do: Data, Platforms and Policies", 28 November – 2 December 2021 // URL: <https://www.itu.int/en/ITU-D/Regional-Presence/ArabStates/Pages/Events/2021/DIW/DIW.aspx>
11. Muslim scholars are working to reconcile Islam and AI – URL: <https://www.wired.co.uk/article/islamic-ai>.

12. Plagiarism cases growing at U of Manitoba as students increasingly turn to artificial intelligence // URL: <https://www.cbc.ca/news/canada/manitoba/u-of-m-plagiarism-ai-chatgpt-1.6954819>.
13. Shaikh Mohd Saifuddeen bin Shaikh Mohd Salleh Quranic motivation for using information and communication technology (ict) in daawah // Centre of Quranic Research International Journal. 2012. Vol. 2 No. 1. – pp. 63-72.
14. The Holy Qur'an Arabic text and English translation. Translated by Maulawi Sher Ali. – Tilford (UK).: Islam international publications LTD, 1989. – 1028 p.
15. These are the countries where Chat GPT is currently banned // URL: <https://www.digitaltrends.com/computing/these-countries-chatgpt-banned/>.
16. Towards a common Artificial Intelligence strategy for Arab States: Digital Inclusion Week 2021//URL:<https://www.unesco.org/en/articles/towards-common-artificial-intelligence-strategy-arab-states-digital-inclusion-week-2021>.
17. Yasmansyah, Lainah, Zulfani Sesmiarni Science and technology in the quran education method // Jurnal ipteks terapan. Research of Applied Science and Education – vol. 15.i4. 2021. – pp. 466-473.